



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 20 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (12.917)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ


Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ва маънавий-маърифий марказидир. У — қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисдир.

Ислом КАРИМОВ

Шаҳрим — фаҳрим



НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛАЙДИ ЙЎЛЛАР...



Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари мобайнида Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида мамлакатимиз пойтахти замонавий, юксак маданият ва бой коммуникация имкониятига эга, ниҳоятда гўзал ва экологик жиҳатдан тоза, кишиларнинг истиқомат қилиши учун ҳар тарафлама қулай ҳамда шинам мегаполис шаҳарга айланди. Айниқса, кўплаб замонавий кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг қурилиши, кўп қаторлик кенг йўлларнинг бунёд этилиши, бетақрор фавворалар ва гўзал хиёбонларнинг қад ростлаши ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг дилларига завқ-шавқ бағишлаб, фахр-ифтихор туйғулари жўш урдирмоқда. Айниқса, яқинда Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтадиган кўприкнинг ишга туширилиши шаҳримиз аҳлини беҳад хушнуд этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мустақиллик йилларида барпо этилган Кичик ҳалқа йўли пойтахт иқтисоди ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Кейинги йилларда барча марказий кўчаларда, жумладан, Амир Темури, Мустақиллик, Бунёдкорлик шох кўчаларида, Паркент, Мирзо Улуғбек, Дўрмон йўли, Абдулла Қодирий, Қорасарой, Сағбон, Форобий, Маннон Уйғур, Қўшбеги, Самарқанд Дарвоза, Аҳмад Дониш, Себзор сингари кўчаларда кенг қамровли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Тошкент катта автомобиль ҳалқа йўли жаҳон стандартларига мослаштирилди.

Кичик ҳалқа йўли, Қўшбеги, Муқимий кўчаларини боғловчи ҳамда Маннон Уйғур кўчасидан Самарқанд Дарвоза кўчаси орқали Октепа майдонига олиб боровчи янги трамвай йўналишлари ишга туширилди. Шунингдек, Бешқайрағоч кўчасидан Тошкент ҳалқа йўли орқали Ибн Сино мавзесини боғловчи 3,6 километр узунликдаги трамвай линииси ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳеч бир йўлни кўприкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, одамлар яшайдиган обод ерларда, албатта, дарё, анҳор ва ариқлар бўлади, иккинчидан, замонавий йўлсозликда йўл ёки темир йўл йўл билан кесилишганда улардан бири йўл ўтказгич орқали ўтказилади.

Бугун Тошкент шаҳрида жами юздан ортиқ кўприк бор. Кейинги йилларда 8 та янги кўприк қуриб,

фойдаланишга топширилди. Жумладан, Кичик ҳалқа йўли, Амир Темури, Бунёдкор, Гавҳар, Аҳмад Дониш кўчалари йўналишларида замонавий кўприклар бунёд этилди.

Шаҳримиз атрофидан ўтган Катта ҳалқа йўли бор эди. Транспорт воситалари ва йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Кичик ҳалқа йўли ҳам барпо этилди. Унинг умумий узунлиги 37 километр. Унда 7 та йўл ўтказгич ва 15 та кўприк бор.

2002 йили қисқа фурсатларда ана шу Кичик ҳалқа йўли таркибига Жанубий вокзал яқинидаги йўл ўтказгич ишга туширилди. Ана шу кўприк ҳамда унга туташган йўлларнинг умумий узунлиги — 6,6 километр.

Илгарилари Фарғона водийсидан Самарқанд йўналишига ёки Самарқанддан Фарғона водийси йўналиши бўйлаб юрадиган автомобиллар, ҳатто, катта-катта юк машиналари ҳам шаҳарга кириб, Жанубий вокзал ёнидан айланиб ўтар, натижада бу ҳудудда транспорт қатновини тизгизлаштириб қўяр эди. Шунинг учун Сергели йўл ўтказгичи орқали Катта ҳалқа йўли Чилонзор буюм бозори ҳудудида Тошкент — Самарқанд йўналишидаги магистраль йўлга туташтирилди.

Ўзбек миллий ҳовлисозлигида дарвоза ва дарвозахонанинг ўрни — ўзгача. Ҳовлининг амалда қандайлигига меҳмонлар, аввало, дарвозахонага қараб баҳо беришади. Шаҳарнинг дарвозаси эса — аэропорт билан темир йўл вокзалидир.

Истиқлол йилларида Тошкент аэропорти ҳам, темир йўл вокзали ҳам таниб бўлмас даражада янги-ланди, кенгайтирилди, йўловчилар учун қулай шароитлар яратилди, уларнинг қўриқ-чиройи очилиб кетди.

2011 йили маҳаллий қатновлар йўналишига хизмат қиладиган янги аэровокзал очилди. Бу эса самолётлар қатновини янада қулайлаштирди. Бу янги аэровокзал — соатига 400 йўловчи амунали хизмат кўрсатиш имконига эга. Бундан буён халқаро авиайўналишлар билан Тошкентга келган хорижий сайёҳлар тегишли расмийлаштириш жараёнларидан ўтганидан кейин аэропорт ҳудудидан чиқмай туриб ана шу янги аэровокзал орқали мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетаверади.

Шаҳримиз йўлларини янада раванлаштириш ишлари изчил давом эттириляпти.

2013 йили Хадра майдонида улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Ушанда аҳоли ва транспорт воситаларининг эмин-эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида Фуқат кўчасини Зарқайнар ва Себзор кўчалари билан боғлайдиган ер ости автомобиль йўли жиддий реконструкция қилинган.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қуриб битказилган Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтган замонавий кўприк ана шу ишнинг узвий давоми бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури қабул қилинди

Мамлакатимизда транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон миллий автомагистралнинг 2 минг километрдан зиёд қисми қурилди ва реконструкция қилинди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 4,6 минг километрдан ошди ва уларнинг 34, фоизи электрлаштирилди. 16 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоқлари бунёд этилди. Бугунги кунда 20 миллиондан зиёд абонент мобил алоқадан фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига мувофиқ қабул қилинган 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури-

нинг ижроси мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг узвий давоми бўлади. Мазкур дастур автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл ва ҳаво транспортини янада ривожлантириш, электр ва сув таъминоти тизимларини модернизация қилиш, иқтисодиёт тармоқларига илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби кенг қўламли мақсад ва вазифаларни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 16 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ривожланган инфратузилмани ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Дастурнинг асосий мақсади ушбу вазифаларни амалга оширишдир. Унга мувофиқ 2015-2019 йилларда 25 минг километрдан зиёд электр таъминоти тармоқлари ҳамда 5 мингта трансформатор пунктини қуриш ва модернизация қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз ривож, одамларнинг даромадлари ортиши билан аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Бarchа ҳудудларда маиший хизмат кўрсатиш шох-бобчалари ривожланмоқда, янги кичик корхоналар ташкил этилмоқда, аҳоли учун замонавий уй-жойлар қўлаймоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодийликлар, 84 фоизи турли ошона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангюттич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми кондиционерлардан фойдаланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Иқтисодий тадқиқотлар марказида БМТнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) томонидан тайёрланган йиллик шарҳнинг тақдими ўтказилди.

ЭСКАТО ШАРҲИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама барқарор ривожланиётгани, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришяётган ютуқларимиз халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланаётгани алоҳида таъкидланди.

Буюк Британиянинг нуфузли «Legatum» халқаро институти 2014 йил 4 ноябрда Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Сайёрамиз аҳолисининг 96 фоизи ва жаҳон ялпи маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган бу рейтингда Ўзбекистон 142 мамлакат орасида 57-ўринни эгаллади. Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АКШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингига Ватанимиз 158 мамлакат орасида 44-ўринда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилди.

Мамлакатимиз Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиши бўйича ўз олдига қўйган вазифаларни тўла амалга оширмоқда. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя, аҳолининг иқти-

содий фаровонлигини таъминлаш, самарали давлат бошқаруви ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳаларда қатор қўшма лойиҳалар бажарилди. Бугунги кунда БМТ органлари юртимиздаги идора ва ташкилотлар билан биргаликда ҳамкорлик дастурининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларини ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ошди. Жорий йилда ҳам шундай юксак суръатларга эришилиши кўтилмоқда. Иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, экология каби соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил оширишга хизмат қилмоқда.

ЭСКАТОнинг йиллик шарҳида бу жиҳатлар алоҳида қайд этилган.

Тадбирда Осиё-Тинч океани минтақасидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолатга оид маъруза тингланди. Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири

XXI аср саҳоси

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда «Биз ёшлар — соғлом турмуш тарзи ва тинчлик тарафдоримиз» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг билимли, юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган таъкидланди.

● «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Наманган вилояти филиали томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган 36 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини берди.

● Жиззах вилояти Фориш туманида дашт яйловлари шароитида дағал ем-хашақдан фойдаланиш самардорлигини механик ишлов бериш йўли билан ошириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Қурғоқчил минтақалар бўйича қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази — «ICARDA»нинг ер ресурсларини барқарор бошқариш лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, илмий муассасалар мутахассислари, вилоятдаги чорвадор фермерлар иштирок этди.

● Бухорода «Баркамол авлодни шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида «Инсон азиз, Ватан муқаддас» фотоқўرғазмаси ва «Дўстлик ва тотувлик мамлакатини ҳужжатли фильми намойиш этилди. Турли миллатлар кўшиқ ва рақсларидан иборат концерт барчага завқ-шавқ бағишлади.

● Термизда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 93 ташкилот, корхона ва муассаса мингга яқин иш ўрни билан иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг Генновер шаҳрининг 30 минг аҳолиси Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги портламай қолган 250 килограммли авиабомбанинг топиллиши муносабати билан хавфсиз жойларга қўчирилди. Улар бомба зарарсизлантирилгандан сўнггина ўз уйларига қайтадилар.

● Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида афғон вазирлиги атрофида қучли портлаш рўй бериши натижасида беш киши ҳалок бўлди, 40 дан ошиқ одам тан жароҳатлари олди. Ушбу террорчилик ҳаракати автомобилга ўрнатилган портловчи қурилманинг ишга туширилиши натижасида содир этилган.

● 2020 йили Токио шаҳри (Япония)да ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан янги спорт турлари ўрин эгаллаши мумкин. Халқаро олимпия қўмитасида маълум қилишларича, ушбу ўйинларнинг ташкилий қўмитаси томонидан буюртмаларни кўриб чиқиш жараёни расман бошланган. «Токио-2020» ўйинлари дастурига ўз спорт турини киритишга даъвогарлик қилаётган Халқаро федерациялар шу йилнинг 8 июнига қадар ташкилий қўмитанинг аниқталарни тақдим этишлари керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТ ДОИМО
ФАОЛ БЎЛМОҒИ
ЗАРУР

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларидаги фаолиятини самарали ташкил этишининг долзарб вазифалари» мавзусида ташкил этилган семинарда шулар ҳақида гап борди. Депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторингини институтини, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини ходимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда депутатларнинг ўз сайлов округларидаги ишлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ҳ.Кетмонов ва бошқалар мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ривожланиш, ҳавфсизликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар барқарорлик ва оқсоқилликнинг муҳим омил бўлиб

хизмат қилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, бугунги тезкор замонда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар борки, бу ҳар бир кишига, айниқса, депутатларга алоҳида масъулият юклайди.

Депутатлар Президентимиз томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури асосида иш олиб бормоқда.

Айни пайтда депутатлар сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қўлайлаштириш масалаларда ёрдам беришда муайян ишларни амалга оширмоқда. Мазкур йўналишда учраётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, депутатлар фаолиятини янада ошириш, сайлов округларида маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлики самарали йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Н.АБДУРАИМОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Булар жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар самараларидир. Лекин электр энергияси истеъмолининг ортиши узатиш тармоқларига муайян қийинчилик туғдириши мумкин. Негаки, мавжуд қувватлар бундай кучланишга мўлжалланмаган.

Шу боис дастурда ҳудудлар кесимида электр энергиясини тақсимлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш доирасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎзМобайл» филиали негизда миллий мобил алоқа оператори тармоғини барпо этиш, оптик толали алоқа тармоқларини кенгайтириш, рақамли телевидениени ривожлантириш, коммутиация марказларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Мобил алоқа хизматларини кенгайтириш, жумладан, 4G технологияларини жорий этиш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш кўзда тутилган. Бу соҳада умумий қиймати 800 миллион

рақий этмоқда. Мисол учун Қўнғирот сода заводи ёки Дехқонобод калийли ўғитлар заводи оилалик. Маълумки, бу корхоналар юртимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган. Агар замонавий йўл инфратузилмаси бўлмаса, уларни ишга тушириш, самарали ишлатиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Шу боис дастурда замонавий йўллар қуришга алоҳида эътибор қаратилган. 2,5 минг километрдан ортиқ автомобиль йўлини таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Дастурга мувофиқ, Ўзбекистон миллий автомагистралда олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланади. Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача бўлган автомобиль йўллари жаҳон стандартлари талабларига мос даражада янгиланади.

Шунингдек, 4 минг километрдан зиёд ҳўжалиқларга йўллар, қарийб 2 минг километр шаҳар, қишлоқ ва туман марказлари қўчалари таъмирланиши режалаштирилган.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақ-

ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ
ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ
ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР

доллардан зиёд бўлган кўплаб лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Дастур доирасида темир йўлларнинг қайта тикланиши ва электрлаштирилиши ҳам эътиборга молик. Хусусан, Самарқанд — Бўхоро, Самарқанд — Қарши ҳамда Қарши — Термиз темир йўл участкалари электрлаштирилади. Бу ёнлиги сарф-харажатларига кетадиган маблағни тежаш билан бирга йўловчи ташишни қўлайтириш, туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Самарқанд — Бўхоро ҳамда Самарқанд — Қарши ораллигидаги темир йўл электрлаштирилган, ушбу йўналишларда ҳам тезорар поездлар ҳаракатланади. Бунинг учун яна иккита замонавий электропоезд харид қилиниши мўлжалланган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тизимида ҳам қатор ишлар амалга оширилади. Пойтахтимизда янги «Тошкент-4» халқаро йўловчи терминали барпо этиш, компания авиапаркини замонавий авиалайнерлар билан янгилаш ва бойитиш лойиҳалари шулар жумласидандир. Умуман, бу соҳада бир миллиард доллардан зиёд қийматдаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмаси змон талаблари асосида ривожлантирилаётгани самарасида иқтисодиётимиз жадал та-

садида Дастурда ичимлик суви ҳамда канализация тармоқларини қуриш ва янгилаш бўйича ҳам муайян ишлар белгиланган. Жумладан, 8 минг километрдан ортиқ ичимлик суви, 350 километрдан зиёд санитар тозалаш тармоқларини модернизация қилиш мўлжалланган.

Ушбу дастурдаги мақсадларни амалга ошириш учун 9 миллиард доллардан ортиқ маблағ, жумладан, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестиция банки, Хитойнинг Эксим-банки каби йирик халқаро молия институтларининг инвестициялари йўналтирилиши кўзда тутилган.

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури пировард натижада мамлакатимиз сановат саноатини ва аҳоли фаровонлигини янада оширади. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг барпо этилиши иқтисодиётни таркибий ўзгариш ва технологик янгилашга кенг шароит яратади, иқтисодиётнинг жадал ривожланишига туртки бўлади. Бунинг самарасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

(ЎЗ)

Анжуманлар

ИЖТИМОЙ
МУҲОҒАЗА
ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлигида

«Мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳоғазасини таъминлашда вазирлиқнинг устувор вазифалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда вазирлиқнинг раҳбар ва масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлиги Азиз Абдуҳамидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, Кексаларни ёзозлаш йилида кексаларга эътибор ва ғамхўрликни қўлайтириш ҳамда улар ҳаёти мазмунини ва сифатини ошириш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтирилиши таъкидлаб ўтишди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлар, болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашда ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмни шакллантириш ислохотларининг муҳим босқичларидан бири этиб белгиланган.

— Кекса ёшдаги аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида 4 та махсус электрон дастур ва интерактив хизматлар ташкил этиш кўзда тутилган, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлигининг Аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш чора-тадбирлари мониторингини ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Баҳодир Шаропов. — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлигининг устувор вазифаларидан бири «Кексаларни ёзозлаш йили» Давлат дастурининг ижросига қаратилган бўлиб, хусусан, унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш марказлари томонидан 17,5 минг нафардан зиёд ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинди. Ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда 4,8 минг нафар яқка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерлар ҳар ой бепул 9 турдаги махсуслотлар билан таъминлаб келинмоқда. Вазирлик томонидан фахрийларни санаторийларда соғломлаштириш бўйича махсус компьютер дастури тайёрланиб, уларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилди ҳамда йўлланмалар махсус бланкаларда тайёрланиб, маълумотларнинг компьютер дастурида чоп этилиши йўлга қўйилди. Барча санаторийларда яратилган шарт-шароитлар ва хизмат кўрсатиш сифати вазирлик, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармаси вакилларида иборат ишчи гуруҳи томонидан доимий назоратга олинган. Фахрийларга қўлай бўлиши учун вазирлиқнинг веб-сайтида аризонинг намунавий шакли жойлаштирилди ҳамда фуқаронинг сайт орқали ариза шаклини олиб, уни расмийлаштириш учун имконият яратилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлиги томонидан кексаларга ишончли ва тўлиқ ахборот бериш мақсадида кўп учрайдиган саволларга жавоблар тайёрланиб, ягона телефон рақами (call-center) бўйича интерактив хизмат кўрсатиш лойиҳаси йўлга қўйилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш вазирлиги томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Жумладан, битирувчилар бандлиги соҳасида янги услублар киритилаётгани, қайта касбга тайёрлаш бўйича Жанубий Кореянинг «KOICA» агентлиги билан бирга Тошкентдаги Каби Самарқанд, Шаҳрисабз, Урганч, Қўқон шаҳарларида яна тўртта марказ ташкил этилганлиги айтиш жоиз. Шу билан бирга вазирлик томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, сезиларли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг январь-март ойда 141,1 мингта иш ўрни яратилиб, белгиланган режа 103,5 фоизга бажарилганини айтиш мумкин. Яратилган янги иш ўринларининг 62,6 фоизи ёки 88,3 мингтаси қишлоқ ҳудудларига тўғри келади. Бандликка кўмаклашув ва аҳолини ижтимоий муҳоғаз қилиш марказлари орқали 62,8 мингта иш қидираётган фуқаро ишга жойлаштирилди. Шунингдек, меҳнат бозори талабига мувофиқ 1,7 минг нафар иссиқ фуқаролар янги касбларга ўқитилди ва ишга жойлаштирилди, 1,2 минг нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Шунингдек, анжуман давомида Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказларида амалга оширилган ишлар ва келажақдаги режалар тўғрисида ҳам афрочлиқ маълумотлар бериб ўтилди. Ногиронларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш мақсадида 642 нафар имконияти чекланган фуқаролар ногиронлар аравачаси, 272 нафари эшитиш мосламаси, 389 нафари ҳасса ва 117 нафари қўлтиқтаёқ билан таъминланди. Шунингдек, 842 нафар ёлғизларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж бўлими томонидан 3,7 минг нафардан зиёд ёлғизларга поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари орқали уйда патронаж хизмати кўрсатилди.

Рўйхатга олинган ёлғизлар режага асосан соғлиқни сақлаш муассасалари орқали чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан 6032 нафари довланишга муҳтож деб топилди, 2115 нафари амбулатор, 976 нафари стационар ва 2941 нафари уй шароитида ўз соғлиқларини тикладилар. 259 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар вазирлик ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ва бошқа санаторийларда соғломлаштирилди.

1941-1945 йиллар уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 615 нафар уруш ва меҳнат fronti фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 8670 нафар кексалар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий муҳоғазга муҳтож фуқароларнинг соғлиқлари вазирлик тизимидаги санаторийларда тикланди. Шунингдек, 4650 нафар ногиронлар реабилитация марказларида реабилитация тадбирларини ўтказди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Зарина РУСТАМОВА

Пойтахтимизда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиявий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалалари» мавзусидаги туркум семинар-тренинглар бўлиб ўтди. Семинар-тренинглар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг (ФЖШМҚМИ) Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан сиёсий партияларнинг шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари, сиёсий партиялар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренинг иштирокчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги сиёсий партия гуруҳлари фаолиятининг самарадорлиги, партия аппарати ходимларининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва касбий маҳоратлари даражасини янада ошириш масалаларини муҳокама қилишди.

Тадбирлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг дастурий аҳамияти қайд этилган бўлиб, унда «Олий Мажлис — парламенти» мавзусида маҳаллий вақаллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ёрда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга-лиги алоҳида таъкидланди.

Семинар-тренингларда сиёсий партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг депутатлик назоратини амалга ошириш, ўз сайлов округларида депутатларнинг тизимли ишини ташкил этишдаги иштироки, партиянинг бирламчи ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маърузалар тингланди. Шу билан бирга партия гуруҳлари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг парламент фракциялари аъзолари ва фуқаролик жамияти институтлари билан жойларда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлигини кўчатириш бўйича фикрлар алмашилди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ
ПАРТИЯВИЙ ГУРУҲЛАР
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛИДА

этиладиган масалаларни тайёрлашда депутатлар ишини жонлантириш ишлари муҳокама қилинди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг (ФЖШМҚМИ) Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Дониёр Аюповнинг фикрича, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳларининг фаолиятини янада жонлантириш мақсадида депутатлар — партия гуруҳлари аъзолари партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, депутатлик сўрови ҳуқуқидан самарали фойдаланиш бўйича ташаббускорлигини оширишлари зарур.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров партия гуруҳлари партиянинг устави ва дастурий мақсадларини ифодаловчи долзарб масалаларни доимий комиссияларга

ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиясига киритиш бўйича фаолиятини кўчатириши зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳи раиси Хайдар Бобоқоновнинг фикрича, депутатлик гуруҳининг қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва жойлардаги давлат ҳокимияти бошқарув органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятининг самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг депутатлик гуруҳи раиси Рустам Қосимов асосий эътиборни партиянинг туман Кенгашлари, бошланғич ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари раислари, депутатларнинг ўз сайлов округида ўтказадиган учрашувларида иштирок этиш мақсадида мувофиқ эканлигига қаратди, бунда сайловчилар ва партия электорати манфаатларига дахлдор бўлган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид долзарб масалаларни аниқлаш ва ҳал қилишга кенг имконият яратилади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси депутатлик гуруҳи раиси Ботир Даминаовнинг фикрича, халқ депутатлари шаҳар Кенгашида депутатлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун партия гуруҳи аъзоларининг туман Кенгашлари, партиянинг бирламчи ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини кўчатириш зарур.

Семинар якунида иштирокчилар томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича муҳим тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда РАСУЛОВА,
Нозима ХАЛИКОВА**



(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизда бунёд этилган бу янги иншоот ҳар бир фуқаронинг, хусусан, шаҳримиз аҳлининг кўнглига бир олам шодлик бағишлади.

Шу муносабат билан биз айрим ҳамшаҳарларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Баҳодир БАРАТОВ,
автомобиль ва йўллар муҳандиси:

— Мен кўп йиллар мобайнида автомобиль ҳайдовчилари тайёрлайдиган мактабларда дарс бериб келаман. Пойтахтимизда кейинги йилларда бунёд этилаётган янги йўл ва кўприклар амалда қандай катта имкониятлар яратаяётганини ҳис этиб, ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Илгари Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳасида иккита катта кўча ўзаро қесишгани учун ўта тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб кетишига, атроф-муҳитнинг ўринсиз равишда ифлосланишига сабаб бўлаётган эди.

Мени мутахассис сифатида бу ерда қад ростлаган замонавий янги кўприкнинг қандай сифатларга эгалиги кўпроқ қизиқтиради.

Эни — 26 метр, узунлиги эса — қарийб 500 метрлик кўприкни қуриб битказиш жараёнида Абдулла Қодирий кўчаси ҳам кенгайтирилди. Унинг ҳар бир йўналиши тўрт қатнов йўлидан иборат бўлди.

Бу кўприк ишга тушганидан кейин қандай қўлайликлар юзага келади?

Биринчидан, кўприк олти қаторли қилиб қурилган. Иккинчидан, Себзор кўчасининг ўтказувчанлиги имконияти соатига 3200 автомобилни ташкил этар эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ана шу кўприк шарофати билан энди бу кўчадан соатига 9800 та автомобиль ўта олади. Бу — уч баравардан ҳам зиёроқ бўлган кўрсаткич. Худди шунингдек, кўприкнинг бунёд этилиши ва Абдулла Қодирий кўчасининг реконструкция қилиниши натижасида бу кўчадан илгари соатига 2400 автомобиль ўтган бўлса, энди бу кўрсаткич 5600 тага етади. Бу мазкур кўчадан фойдаланиш коэффициенти қарийб икки ярим баравар ошганидан далолат беради.

Кўприк амалда Нурафшон, Абай, Олмазор, Зулфияхоним, Қорасарой, Сағбон, Зарқайнар, Навоий, Сақичмон кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Фатҳиддин ЗИЁМОВ,
йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фахрийси:

— Кўприк қурилиши муносабати билан бу чорраҳадаги йўлчилик олиб ташлаш имкони пайдо бўлди. Энди йўловчилар ҳам, автомобиллар ҳам бу ерда тўттовсиз ва хавфсиз ҳаракат қилаверадилар. Бу эса ҳам вақтни, ҳам ёқилгини тежаш, ҳам асабларни авайлаш имкони беради.

Себзор кўчаси орқали 98 метрлик ана бир ер ости йўли барпо этилди. Бу пивдаларга чорраҳанинг тўртта томонига ҳам хавф-хатарсиз ўтиш учун қўлай имконият яратди.


«Шаҳримизда бундай улкан қурилишларни бунёд этишда раҳнамо бўлаётган муҳтарам Ўртобшомизга раҳмат.

Саодат ТОЖИЕВА,
уй бекаси:

— Шаҳримизда ана бир сўлим маскан қад ростлади. Йўл бўйига экилган каштан, эман, гулу райхон, лолақ аттиргуллар баҳри-дилнинг очади. Ушбу гўзал, бетакор кўприк ёнидаги кўп қаватли уйда яшаман. Уч нафар фарзандим бор. Кечки салқинда кижиб, яйраб, дам олиб келяпмиз. Беш ёшга тулган ўғлим Фарруххон ўйингоҳларда тенгдошлари қатори мазза қилиб ўйнапти. Хозирда нурунийларимиз телевизор орқали давлатимиз раҳбари кўприкни бориб кўрганлари намойиш этилганидан кейин уни томоша қилишга келяпмиз. Буларнинг бари — одамлар, уларга қўлайликлар яратиш учун. Бу ердан ўтган борки, дуо қилипти. Қалбида шукроналик ва фахр-ифтихор туйқмоқда.

Бахтиёр САИДОВ,
Журжоний маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Ҳадемай, Истиклолнинг 24 йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу сана олдида таърифини сўз билан ифодалаш қийин, балки мўъжиза деб атасак тўғри бўладиган ушбу муқташам кўприкнинг жуда катта фурсат — 8 ой ичида фойдаланишга топширилгани ҳамшаҳарларимиз кўнглини тоғдек кўтариб, кўнглиларда фахру ифтихор уйғотди. Илгари бу ерда тирбандлик кузатиладилар. Бугун ана шу муаммо бартараф этилди. Очиги, бу иншоот шунчалар кўркам, қўлай ва шинамки, пивдалар учун ҳам яратилган қўлайликлар, зинапоҳ билан бирга эскалатор ва лифт қурилганлигидан хайратландим. Ёгин-сочинли кўнларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилганлиги инсон ман-



фаатларини таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Файзулла НАБИЕВ,
меҳнат фахрийси:

— Камина дунёнинг катта-катта шаҳарларида илмий сафарларда бўлганман. Очигини айтман, бундай замонавий, одамлар учун барча қўлайликлар эътиборга олинган кўприк-иншоотлар баъзи бир катта шаҳарлардагина бор, холос.

Бу иншоотнинг айнан «Кексаларни эъзозлаш йили»да бунёд этилгани замирида ҳам бир рамзийлик, мантқиқийлик кўзга ташланади. Бунинг таъзаминида эса мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш, умуман, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган оқилона ва инсонпарваро-

НУРАФШОН МАНЗИЛЛАРГА ЧОРЛАЙДИ ЙЎЛЛАР...



на сиёсат ётибди. Ҳар биримиз ана шунинг қадрига етишимиз керак.

Хусан НИҒМОҲОВ,
Юнусобод туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ўртобшомиз ўтган йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириш, аҳолининг дам олиши ва мазмули хордик чиқариши учун қўлай имкониятлар яратиш, бу ерда мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фавворалар бунёд этиш зарурлигини ўқирган эдиклар.

Ана шу тавсиялар асосида бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди. Натижада пойтахтимизда ана бир сўлим маскан пайдо бўлди. Катта кўчада шундай ажойиб манзара юзага келдики, бу ерда худди юртимизнинг файли боғларини обод хонадонларига кириб қолгандай ҳис этасан ўзингни.

Биздагидек иссиқ иқлим шариоитида фаввора ҳар қандай кишининг жонига ора қиради. Давлатимиз раҳбари фавворалар шаҳар аҳлининг дам олиши учун имконият яратишини, мўътадил иқлимни таъминлашини алоҳида ҳисобга оладилар. Ана шу мақсадда бу ерда учта янги фаввора бунёд этилди. Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи олдидаги мавжуд фаввора эса реконструкция қилинди. Бу фавворалар атрофида одамлар хордик чиқариши, болажонларнинг яйраб-янашини учун қўлай шариоит яратилди. Бу фаввораларнинг айни иссиқ кўнлар бошланган паллада ишга туширилгани ҳам айни мўдда бўлди.

Саодат НАЗАРОВА,
ўқитувчи:

— Ишга шу кўчадан қатнайман. Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча қесишгани учун транспорт тирбандлигидан ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам ортиқча вақт йўқотиб, ноқўлайлик юзага келарди. Очиги, ҳар томонлама қўлай ва замонавий ушбу кўприкнинг кўз қувнайдиган даражада кўркам бўлиши билан бирга, пивдалар учун яратилган қўлайлик кишини беҳад шодлантиради. Яъни, кўприкнинг икки томонида пивдалар учун иккита ер усти ўтиш йўлиги барпо этилгани, уларга чиқиб-тушиш учун зинапоҳ билан бирга, эскалатор ва лифт ҳам қурилгани нур устига нур



бўлди. Шунингдек, бу ерда ёгин-сочинли кўнларда ҳимояланиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Бундай замонавий, одамлар учун барча қўлайликлар эътиборга олинган кўприклар ва бошқа иншоотларнинг бунёд этилиши шундай дорилмомон кўнларнинг қадрига етишга ундайди.

Исҳоқжон НОСИРОВ,

филология фанлари номзоди, доцент:
— Мен Эски шаҳарнинг Сағбон кўчасидаги Олча тор кўчасида яшайман. Шаҳримизнинг бу қисми қадим замонлардаги шарт-шариоит асосида бунёд этилган. Бор гапни борлигича айтиш керак-да. Тор кўчадаги ҳовлимизни бузиб қуrolмасак. Таъмир пайти бир машина тупроқ олиб келсанг, қаерга тўкишни билмайсан. Амалда шу эски ҳовлида димкиб яшайверишдан бошқа йўл йўқ.

Шунинг учун мустақиллик йилларида Эски шаҳарни реконструкция қилиш борасида қилинаётган эзгу ишлардан дилимиз қувонади. Очигини айтганда, бугунги кунда эски шаҳарнинг эски шаҳарлиги ҳам қолмади. Бу-тунлай ўзгариб, янги замонавий қиёфа касб этмоқда...

Янги кўприк қурилиши билан танишиб давомда Президентимизнинг Эски шаҳар ҳақида айтган гапларини жон қўлогим билан эшитдим. Ўртобшомиз аҳолининг кўрмисиз уйларида яшаб келаётгани ҳақида сўзлар эканлар, бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарни қайта қуришнинг бош режаси ишлаб чиқилганини маълум қилдилар. Унга кўра, мана, янги йўллар, кўприклар, замонавий йўллар, коммуникациялар барпо этиляпти.

Буюк Британиянинг нуфузли «Экономист» журнаlining баҳосига кўра, шаҳримиз дунёдаги яшаш учун энг қўлай бўлган 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани ҳаммамизни қувонтиради. Агар келажакда ушбу ҳудуд ҳам замонавий масканга айлантирилса, аминимизки, Тошкентимиз дунёдаги яшаш учун қўлай бўлган шаҳарларнинг энг олди қаторларидан ўрин олади.

Ҳамшаҳарларимизнинг шу фикр-мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турибдики, пойтахтимиз ободонлиги йўлида қилинаётган бундай улкан ишлар ҳаммамизнинг дилига қувонч ва фараҳ бағишляпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан шаҳар ва қишлоқларимиз ободончилиги йўлида амалга оширилаётган оқилона сиёсат шундан иборатки, одамлар баракали меҳнат қилляпти, энди унинг яшаш учун қўлай, яхши, замонавий шароитлар яратиб бериш керак. Кишилarning ишга эмин-эркин бориб-келиши, бўш вақтларида хушманзара жойларда сайр қилиши, хордик чиқариши учун барча имкониятлар мўъай ётилиши керак. Шунинг «тараккият» дейишди, шунинг «бахли ҳаёт» деб аташди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мазмуда тадқиқот ўтказилди ва унинг натижалари маълумотда эълон қилинди. Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Бу ниманинг далолати, бу ниманинг исботи? Ўртобшомиз шу йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда бу, авваламбор, мустақиллик даврида биз эришган улкан марраларни, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани ва бу ютуқларни дунё ҳамжамияти ана бир бор тан олаётганини кўрсатишини таъкидлади. Энг муҳими, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устида ўтган замонавий кўприк ҳам шунинг ширин меvasи ҳисобланади. Хусусан, бу кўприкнинг икки томонида пивдалар учун ер усти ўтиш йўлиги эса шаҳримизда ягона иншоот бўлди.

Бу ердаги барча имкониятлар одамлар, уларнинг бахтли ҳаёти учун бунёд этилган. Бунинг ҳис қилган ҳар қандай фуқаро биз танлаган йўл, албатта, нурафшон манзилларга чорлашга амин бўлади. Шунинг барбараида қўнғилдан: «Биз ким эдик-у, ким бўлдик?» — деган савол кечади.

Жавоб эса аниқ: мустақиллик бизга бахту саодат, файзу барак ва фаровонлик келтирди.

Олим МАҲМУДОВ

Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида 1265та оила тинч-тотув фаровон яшаб келмоқда. Уларнинг кўпчилигида қарияларнинг борлиги ҳам хонадонларга файзу барака бағишламоқда. Кекса отахон ва онахонлар маҳалла фаолларининг доимий эътиборида.

ОБОД ВА КЎРКАМ МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Байрамлару оддий кўнларда ҳам улар ҳолдан хабар олинади, совға-саломлар топширилади, керак бўлса зарур ёрдамлар кўрсатилади. 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан фуқаролар йиғинида алоҳида дастур асосида иш олиб боришмоқда.

— Истиклол йилларида худудимиз ҳар қачонгидан ҳам обод ва кўркам бўлиб бормоқда, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уткир Хайдаров. — Иккита умумтаълим мактаби, мактабча таълим муассасаси, туғруқхона комплекси, оилавий поликлиника фаолият юритиб, аҳоли хизматида. Оилавий тадбиркорлик ривожланиб, эзгу орзу-умидларимиз амалга ошмоқда. «Бешқайрағоч» маҳалласининг кўпчиликига маълумлиги-

нинг сабабларидан ана бири — унинг тандирда ёпилган мазали, бўрсилдоқ нонларидир. Бу ерда 40 дан ортиқ новвойхоналар мавжуд бўлиб, уларда 150 нафарга яқин киши иш билан банд. Мебель ва автомашиналарга хизмат кўрсатиш устаноналари, ошхона, дорихона ва савдо шохобчалари барча қўлайликларга эга бўлган ҳолда, кишилarning янада фаровон яшашига имконият яратмоқда.

Қувонарли томони шундаки, юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғинлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътибор туфайли мана шундай аҳил ва обод, кўрган кўзаларни қувнатадиган маҳаллалар сони тобора кўпаймоқда.

Абдусаттор ХОТАМОВ

ФАВВОРАЛАР — ФАРОВОНЛИК ВА ОСУДАЛИК РАМЗИ

— Бувижон, кетмайлик, қаранг сувнинг чироилилигини, баландга отилганда менга ҳам сачраб кетяпти.

— Майли, ана бир оз ўтира-миз, мазза қилиб ўйнай қол, болажоним.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биноси рўпарасидаги суви мусиқа садолари остида ба-мисоли камалакдек жипланаётган

қулоққа чалинган ушбу мулоқот, фаввора атрофида яйраб, қувнаётган жажжи кичкинтойларнинг жарангдор кулгуси эътиборимиз-ни тортди. Биз эста бувижонга на-бири дам олаётган ўриндикқа қўқиб уларни суҳбатга тортдик.

— Бугунги кунда пойтахтимиз кундан кунга чироий очиб, осмон-улар замонавий бинолар, кенг ва равои йўллар, маҳобатли кўприклар, гулу чечакларга бур-ланган сўлим масканлар қўнғил-ларга ажиб бир фахр, кўтарин-лик бахш этмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Дилором Тўла-ганова. — Айниса, саломатлик учун нийҳатда фойдали, киши руҳига ором берувчи фаввора-

ларни айтмайсизми. Шанба-як-шанба кунлари набираларимни олиб шаҳримиздаги ажойиб, ай-ниса мусиқа садолари остида камалакнинг етти қил рангини ўзида жамлаб жипланаётган фавворалар ёнига келиб, мазза қилиб дам олам. Мусофҳо сув кишига бир олам завқ бағишлай-ди, нафақат жисмингиз, балки ру-ҳингиз ҳам ором олади.

Маълумки, жипларнинг шил-дираши, мовий қўл, шаршарлар, оёғингиз остида кўприб турган денгизнинг ажиб мавжланиши киши руҳини тетиклаштириб, ҳузур-халоват бахш этади. Ғўзал-лик ва фаровонлик рамзи бўлган фавворалар эса айни пайтда ша-ҳар ичида кишилarning маданий дам олишларида хизмат қилмоқ-да. Дарҳақиқат, мусофҳо сувнинг ажиб салқинлик бахш этиши кай-фиятни кўтариб, чарқоқи олади, қон айланишини яхшилаб, асаб-ларни тинчлантиради. Бугунги кунда пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, ранг-баранг чироқлар билан жиҳозланган му-сикали фавворалар ажойиб ва ғўзал манзара кашф этиб ҳамша-ҳарларимиз кўнглига қувончу

шодлик улашмоқда. Улар атро-фиди ям-яшиллик, ҳамшаҳарла-римизнинг дам олишлари учун яратилган шарт-шариоитлар, бола-жонларга хизмат қилаётган ўйин майдончалари эса бу ғўзалликни янада тўлдиради. Май ойининг биринчи санасида ўтказилган «Фавворалар сайли» ҳам мамла-катимизда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик иш-ларининг амалдаги ифодаси бўлиб, ҳамшаҳарларимиз хушқай-фиятига жуда ҳамоманг бўлганли-гини кўрсатиб. Эзгулик, хотиржам-лик, ғўзаллик, руҳан тетиклик, жонга ором бағишловчи фавво-ралар атрофида ўтказилган бади-ий кечалар, қизқарли учрашу-лар барча иштирокчиларда туган-мас таассуротлар қолдириб, эр-танги қўнимизнинг янада ёрқин-роқ бўлишини даррақидек жа-ранглаб, барчани сўлим маскан-лар бағрига чорлади, десак му-болага бўлмайди.

Биз бахтиёр болалиқнинг оромбахш дамланини ота-она, бобою бувижонлари билан яйраб ўтказаятган ўғил-қизларга хавас билан қараб, хайрлашдик.

Тинч-осуда кўнлар шукронаси ҳар биримизнинг тилимизда, ди-лимизда бўлишини астойдил ти-лаб ният қилдик.

Зеро, мустақил, озод ва обод Ватандагина мана шундай дори-ломон кўнлар бардавом бўлиб, шу юрт фарзанди бўлган ҳар би-римизга қўнғил хотиржамлигини улашди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 23 июнь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлан-ғич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулк қўйил-моқда:

1. Мирзо Улугбек туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 24 июль кўни 2-23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тош-кент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Бўзбозор 7-тор (аввалги Береговая) кўчаси, 21-уй, 9 ва 11-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 152 кв.м., фойдали майдони 114 кв.м. бўлган офис хо-налари. Бошланғич нархи 212 860 000 сўм.

2015 йил 9 июнь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади-ган очик аукцион савдосига қуйидаги қўчмас мулк-лар такоран қўйилмоқда:

1. Суд қарорларни ижро этиш департаменти то-монидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 март кўни ЖХ-1-69/2012-сонли ижро варақаси-га асосан хатланган:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-тума-нида жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич нархи 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2892,3 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш худуди. Бошланғич нархи 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, ер майдони 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м. бўлган «Сабо» тўйхонаси. Бошланғич нархи 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тўзель ҚФИда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м. бўлган автоса-рои бинолари. Бошланғич нархи 604 310 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Бурмўл-ло қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган дала ҳовли. Бошланғич нархи 653 690 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Те-мур шох кўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий май-дони 836 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич нархи 1 506 820 000 сўм.

7. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ қовоқ ҚФИ, Оқ олтин МФИда жойлашган, умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи 107 760 000 сўм.

II. Мирзо Улугбек туман СИБ томонидан:

1. ЖИБ Юнусобод туман судининг 2014 йил 24 март кўни 1-12/14-сонли ижро варақасига асо-сан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Марказ-4, 116-уйда жойлашган, уму-ий майдони 10681 кв.м. бўлган кўп тармоқли бино. Бошланғич нархи 17 210 561 247 сўм.

2. ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2014 йил 26 август кўни 38709-10/12-сонли ижро вара-қасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Х.Абдуллаев кўчаси, 42-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 78,36 кв.м., фойдали майдони 48,21 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 140 281 400 сўм.

III. Мирзобод туман СИБ томонидан:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрь кўни 1-540/2011-сонли ижро варақасига асо-сан хатланган, Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўла қисмида жой-лашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобиль сақлаш жойи. Бошланғич нархи 27 941 969 сўм.

2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июнь кўни 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хат-ланган, Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Мирон-шох 7-бек кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий май-дони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 154 527 263 сўм.

IV. Мировод туман СИБ томонидан, ЖИБ Қора-қалпоғистон Республикаси Олий судининг 2014 йил 22 март кў



Чилонзор туманидаги 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Юрт келажяги» иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман саралаш босқичи бўлиб ўтди.



Танловлар

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан ташкил этилган танловнинг очилиш маросимида тумандаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази ҳамда 15-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқувчи-ёшлари томонидан байрамона дастур намойиш қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муҳайё Саидқармова, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, иштирокчиларга ўзларининг эзгу тилакларини билдиришди.

Тадбир давомида малакали мутахассислар томонидан иштирокчилар учун маҳорат дарслари ўтказилди. Танлов иштирокчиларининг маҳоратини йўналишлар кесимида таниқли ёзувчи, шоир ва журналистлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари одилона баҳолаб боришди.

— Мамлакатимизда ёш истеъдодларни кашф этиш, уларга ўз қобилиятини намойиш қилиши учун муносиб

шарт-шароитлар яратиб бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта, — дейди «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов. — «Юрт келажяги» иқтидорли ёшлар республика танлови иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмак

бериш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўйбга чиқариш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинмоқда. Танловга туман бўйича жами 453 нафар ёшдан ариза ва анкеталар келиб тушди. Жумладан, «Архитектура ва дизайн» йўналишида 54 нафар, «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар» йўналишида 88 нафар, «Анъанавий ва амалий санъат» йўналишида 173 нафар, «Адабиёт ва журналистика» йўналишида 138 нафар ёшлар иштирок этди.

Туман саралаш босқичи якунларига кўра жами 30 нафар ёшлар танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди. Фаол иштирок этган ёшларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши томонидан дипломлар тақдим этилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Ислом Исмоилов олган суратлар

ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Юнусобод туманидаги 58-умумтаълим мактабида «Ёш қутқарувчи» кўнгилли ёшлар мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар, Халқ таълими, Ўрта махсус, касб-хунар таълими, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда мусобақанинг туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари жамоалари иштирок этди.

Мусобақани ташкил этишдан мақсад ёшларни мардлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини қарор топтириш, фавкуллода вазиятларда ва кўнгилсиз ҳодисаларда амалий ҳаракат қилишга ўргатиш, руҳий барқарорликни, ўз-ўзига ишончини шакллантириш, қаққонлик, чидамлик, тезкорлик каби спорт сифатларини ривожлантириш ва соғлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақа ёшларимизнинг билим савиясини ошириш,

фавкуллода ҳолатларга кўникмасини шакллантириш ва тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади, — дейди Тошкент шаҳар ФВБ қутқарув кучлари бўлими бошлиғи Отабек Хушвақов. — Иштирокчиларимизда ғолибликка бўлган интилиш жуда юқори. Хар бир жамоа шартларга пухта тайёргарлик кўрган. Уларнинг саволларга жавоб бериши ва жисмоний ҳаракатларни бажаришнинг кўриб, ҳойларда таълим ва спортнинг ривожланаётганига гувоҳ бўласиз.

Жамоаларнинг бешта шарт бўйича чиқишларини ҳакамлар баҳолаб бордилар. Якуний натижаларга кўра Юнусобод туманидаги 58-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни, Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицей жамоаси иккинчи, Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактаби жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўринни қўлга киритган жамоа республика босқичига йўлланма олди.

Абдували СОДИКОВ

Яшнобод туманидаги 103-сонли ёрдамчи мактаб-интернатида «Биз гиёҳвандликка қарши курашамиз» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирлар

БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ

Тадбир тумандаги 10-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, «Баркамол авлод» болалар маркази ва 17-сонли мусиқа ва санъат мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар гиёҳвандлик йўлига кирган ҳар қандай инсоннинг ҳаёти барбод бўлиши, охир-оқибат ҳалокат ботқоқига юз тутишини таъкидлаб ўтишди. Салбий иллатнинг мудҳиш оқибатларини слайдлар орқали кўрсатиб беришди.

Тадбирнинг бадий қисмида 17-сонли мусиқа ва санъат мактаби рақоса қизларининг рақс гулдасталари намойиш этилиб, «Учаламиз» эстрада гуруҳининг куй-қўшиқлари янгради.

Зафар НАЗАРОВ

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ис гази — хонадонларимизда фойдаланиладиган табиий газ, кўмир, ўтин ва бошқа ёқилғининг тўлиқ ёнмаслиги натижасида пайдо бўладиган газдир. У инсон организмнинг нафас йўллари ва нафас аъзоларига кучли таъсир қилади. Ис гази нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизимини зарарлайди.

Ис газидан қатор органик моддаларни (ацетон, метил спирт, фенол ва бошқалар) синтез қилувчи корхоналарда, шамоллатиш тизими ёмон бўлган гаражларда, янги бўялган хоналарда, шунингдек, уйда очик шaroитда табиий газ ёниб турганда ва печка билан иситиладиган жойларда (уй, ҳаммом ва бошқалар) печка қопқоғи ўз вақтида ёпилмаганда заҳарланиб қолиши мумкин.

Ис газидан заҳарланиш унинг ҳаводаги концентратсиясига ва таъсир муддатига боғлиқ бўлади. Енгил даражадаги заҳарланишда бош қаттиқ оғрийди, айланади, қулоқлар шангиллайди, кўнгил беҳузур бўлади, баъзан қусиш, хушдан кетиш кузатилади.

Ўртача даражада заҳарланишда — мушаклар кучсизланади, нафас сиқилади, пульс тезлашади, артериал қон босими пасаяди, кўнгил айнайди ва қусилади, ақл хиралашади, баъзан одам уйқучан бўлади. Юзда қирмизи доғлар пайдо бўлади. Оғир даражада заҳарланишда одам баътомом ҳушидан кетади. Оёқлари кўкариб ёки оқариб, юзида қирмизи доғлар пайдо бўлади. Пульс тезлашади, артериал қон босими кескин пасаяди, нафас олиш секинлашади ва чуқурлашади, мушаклар бўшади.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли томонидан хонадонда печка ўрнатилаётган пайтда унинг яхши ва саз ҳолатда уланishi, газ жўмрақларининг, газ плитаси ёки печкага нисбатан белгиланган масофада жойлашиши, уй ичига печка ўрнатишдан аввал, унинг мўрсининг соғлигини кўриб чиқиш, газ жўмрақларига болаларнинг яқин келмасликлари ва уни ўйнамасликлари, қолаверса, инсон соғлиғи ва ҳаёти учун зарарли ва хатарли бўлган барча нарсалар тўғрисида доимий ўргатиб бориш мақсада мувофиқ бўлади.

Аҳолининг табиий ва ис газидан заҳарланиши, ёнғин, портлаш ҳолатларининг олдини олиш тадбирлари нафақат мутахассис ташкилотлар, балки ҳар бир хонадон эгалари ва барча фуқаролар томонидан амалга оширилиши даркор.

Бунинг учун эса барчамиз масъул эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак.

**Муҳайё МИРАЗОВА,
12-ХЕХО кичик инспектор,
кичик сержант**

Газ баллонларидан фойдаланишда қатъий ўрнатилган тартиб-қоида борлигини ҳар бир хонадон эгаси унутмаслиги ва улар қуйидагилардан иборат эканлигини ёдда тутмоғи лозим.

«101»

ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Маиший газ баллонлари алоҳида хонада, темир шкаф ичида камар билан боғланиб, девор орқали ўтказилган қувур билан газ плитасига босим пайсатирувчи мослама орқали уланади. Газ баллонлари юлчамига кўра икки йилда бир мартаба юлчамига босимда сув тўлдириш йўли билан синовдан ўтказилиб, устки қисмидаги тамга уриш жойига белги қилиш ёхуд махсус синовдан ўтганини кўрсатувчи қогоз бўлиши лозим.

Яшаш жойларида, айниқса, юқори қаватли уйларида, шаҳар уй-жойларида газ баллонларидан фойдаланиш тавсия этилмайди. «Марказгазтаъминот» УКСи шаҳар, туман филиалларининг махсус автомашиналарида келтирилган ёки газ шохобчаларида ҳужжат асосида олинган маиший газ баллонларидан фойдаланиш зарур. Автомобилларга аширин йўллар билан керагидан ортик газ тўлдириш мудҳиш оқибатларга олиб келади. Яшаш хонасида ташқи қисми яроқсиз, синовдан ўтмаган ёки керагидан ортик, яъни 8,5 фойздан ортик газ билан тўлдирилган баллонлар иссиқлик таъсирида кенгайиб, юқори босимга бардош беролмай ёрилиб кетиши натижасида қисқа

муддатли қакнаш туфайли ёнғин юзага келиб, атрофдаги одамлар қуйиш тан жароҳати олиши мумкин.

Газ баллонларидан фойдаланишда ўрнатиш тартиб-қоидаларга амал қилиниши кишилар ҳаётини бахтсизликлардан асраш эканлигини унутмаслик зарур.

Аҳоли томонидан баъзан газ баллонларини вақти-вақти билан синовдан, текширувдан ўтказиш, уларни ошхона, яшаш хонасидан алоҳида қуёш нури, иссиқлик таъсиридан узоқлаштирилган, девор ва темир шкафга маҳкам боғланган ҳолда, махсус темир қувур ёки босим остида ишлашга мўлжалланган шланг, хомут орқали бириктирилиб, босимни мейёрида узатувчи редуктор орқали газ плитасига улаб фойдаланиш лозимлиги унутилмоқда.

Ёнғинларнинг айримлари газ баллонларидан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиқмоқда. Бу каби кўнгилсиз ҳолатлар фуқароларга сабоқ бўлиши, улар ўзларига хулоса чиқариб олишлари керак.

**Сарвар АМАНТУРДИБЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЕХК
инспектори, сержант**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!
Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧК бошланғич нарх босқичма босқич олиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:
1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, халқ истеъмолат моллари ишлаб чиқариш департаменти тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган савдо уйи бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 2101 кв.м. Бошланғич нархи — 8 098 163 700.

Баландса сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, халқ истеъмолат моллари ишлаб чиқариш департаменти. Фаолияти ихтисоси: Савдо-сотик.

2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчасида жойлашган қурилиш тугалланмаган маъмурий бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 2438 кв.м. Бошланғич нархи — 5 546 214 200 сўм.

Баландса сакловчи: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги. Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидеги, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнони кўчаси 57в-уй манзилида жойлашган омборхона биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 85 кв.м. Бошланғич нархи — 128 404 353 сўм.

Баландса сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти. Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧК, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. Веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 июнь кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрири савдолар 2015 йил 6, 20 июль, 3, 17, 31 август, 15, 29 сентябрь, 14, 28 октябрь, 11, 25 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотиш шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активини бошланғич нархининг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧКнинг қуйидаги банк рекевизитларига зақалат пулнин тўлашлари лозим: АИТБ «Илпак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга бюртманомана қабул қилиш билдиришномана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришноманда кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган кунин савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришноманда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkiforg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларнинг ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланмаган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли йшон телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧК

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истиғидига барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Корақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларда мавжуд бўлган мулк объектларини, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларини www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел: (0 371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: 228-80-24.

В.Шпенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи 2015-2016 ўқув йили учун 1-синфга ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Хужжатлар 30 майгача қабул қилинади. Имтиҳон 7 июнда ўтказилади.

Ўрта синфларга ва лицейга қабул имтиҳонлари 9 июнда бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўчаси, 71.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 21 май кунин ҳаво ўзгариб туради, қушнинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёнғин, жала ёғиш мумкин. Шарқдан сеқундига 7-12 метр тезликда шамол эсаяди.

Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёнғин, жала ёғиш мумкин. Шарқдан сеқундига 7-12 метр тезликда шамол эсаяди.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
Факс: (371) 233-29-55

2007. йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11298 нусхада босилди.
Қогоз бичими А-2

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.40